O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ—ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 1999 ЙИЛ 6 МАРТ, ШАНБА | № 10 (110) | Сотувда эркин нархда




## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Муҳтарама оналаримиз!
Мунис опа-сингилларимиз!
Азиз қизларим!

Аввало барчангизни 8 март - Меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Аёл — Оллоҳ таоло яратган табиатнинг энг буюк мўъжизаси.

Табиат азиз аёлларимизга мунислик ва мушфиқликни, эзгулик ва нафосатни абадий фазилат қилиб берган. Ҳар бир инсон кўнглини мунаввар қилгувчи, наинки оилага, балки бутун жамиятга аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишлагувчи ҳам аёлдир.

Биз хонадонларимиз кўрки, юртимиз бекаси бўлмиш аёл зотидан — авлодлар силсиласини давом эттираётган, ҳаётимизнинг гўзаллиги ва осойишталигини кўз қорачиғидек сақлаб келаётган оналаримиз, опа-сингилларимиздан умрбод қарздормиз. Улар туфайли бу дунёда муҳаббат ва мурувват, инсоф ва диёнат доимо барқарордир. Жаннат оналарнинг оёғи остида, деб бежиз айтилмаган, ахир.

Фарзандларимиз қалбига покиза туйғулар, олижаноб инсоний фазилатлар аввало оналарнинг оқ сути ва меҳр-шафқати билан сингади.

Жамиятимизнинг эзгу орзу-ниятларини амалга ошириш мақсадида энг катта таянчимиз ва умидимиз бўлмиш ёш авлодни тарбиялаш ва камол топтиришда мунис ва муштипар аёлларимиз, меҳрибон оналаримизнинг ўрни ва таъсири беқиёс эканини юксак қадрлаймиз.

Муҳтарама опа-сингиллар!

1999 йилни малакатимизда Аёллар йили деб эълон қилишдан мақсадимиз - аввало хотин-қизлар ўз қадр-қимматини янада чуқурроқ хис этиши, ўзининг бой маънавий дунёсини, меҳрибонлик қудратини намоён қилиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, кундалик турмушимизда ўзига муносиб ўринни эгаллаб олишидир.

Шу билан бирга, бу йил давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида халқимиз фаровонлигини ошириш, тараққий топган давлатлар даражасига етиб бориш йўлида салмоқли қадам бўлгай, иншоолло.

Менинг жамоатчилигимизга, бутун халқимизга даъватим шуки, аёлларимизнинг оғирини енгил қилайлик, уларни асраб-авайлайлик, ҳар бир кунини мунаввар байрамга айлантирайлик!

Яна бир бор барчангизни қутлуғ айём билан чин қалбимдан табриклайман.

Яратгандан сизларга омонлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Izhor*

## ОЛАМ КЎРКИ СИЗ БИЛАН

Эмишки, фарзандини дунёга келтираётганда онанинг жони бир қил устида турар экан. Фарзанд дунёга йиғлаб келарканy, она ўз дарди, азобини унутиб, уни кулиб қарши оларкан. Она шундай улуғ қалб соҳибаси. Шундан онасиз қаср файзсиз кулбага тенгмикан? Балки шундан-да бу дунёда она алласидек буюк сеҳр топилмасдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом «Жаннат оналар оёғи остидадур» деганларида 18 минг оламни яратган Оллоҳ меҳрини шу ҳикмат мағзида туйган бўлсалар ажаб эмас.

Онанинг меҳрига қиёс борми? Бу кўҳна дунёда донғи оламни тутган не-не уламо-ю, фозиллар, шоиру шуаролар, аллома-ю, донишмандлар шу зот қаршисида таъзим бажо келтирганлар.

***«Гар сендан тонар бўлсам, насибам оху-зор ўлсун,***
***Баҳорим қишга айлансун, чечаксиз бир диёр ўлсун,***
***Чаманзорим, боғу боғчам тўкилсин - бари хор ўлсун,***
***Мозорим ўт олиб ёнсин, бу ишқим ошкор ўлсун»***

деганди Самад Вурғун улар шаънига.

Онага атаб куйланган ҳеч бир қўшиқ эскирмайди. У йиллар, асрлар оша ҳар куйланганида дилларга ором, зиё, нур, меҳр ёғдуси бўлиб оқиб кираверади. Муқаддас китобимиз Қуръони Каримда ҳам, Ҳадиси Шарифда ҳам аёл зоти ниҳоятда улуғланади. Чунки меҳрибон Оллоҳ ўз меҳридан онага юқтирган экан.

Ўзбекистон Президентининг 1999 йилни «Аёллар йили» дея аташи ҳам меҳрибон ва мушфиқ Онага эҳти-

*(Давоми 3-бетда)*

*Bayram tabrigimiz*

## ТАЪЗИМ СЕНГА, МУҚАДДАС АЁЛ!



Мустақил ва озод Ўзбекистонимизнинг 1999 - Аёллар йили деб эълон қилинган фаслининг жаҳон Хотин-қизларига бағишланган энг муқаддас санаси - 8 март байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги таркибида фаолият кўрсатаётган, одил судлов, нотариал, ФҲДЁ, ўқув ва илмий даргоҳларда меҳнат қилаётган хотин-қизларни, ҳуқуқшунослик фаолиятига умрини бағишлаган устоз-фахрияларимизни, ушбу касбдаги эркакларга таянч, далда бўлиб келаётган оналаримиз, қизларимиз, опа ва сингилларимизни, улар орқали жамиятимизнинг адолат ва поклик йўлида жонфидо бўлаётган, ҳуқуқий нашрларимизда фаол қатнашаётган, муштарийлик ортидан оиласи ва жамиятга одиллик нурини таратаётган барча аёлларни чин юракдан, самимий қутлаймиз.

Сиз — Аёллар мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, буюк келажакни яратишда, замон ва маконимизни нурафшон этишда беҳад улкан ҳисса қўшаяпсиз, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданият шаклланишида жонбозлик қилаяпсиз, қонун устуворлиги ва адолат таркиб топишида матонат кўрсатаяпсиз. Келажагимиз - баркамол авлодни тарбиялашдек мураккаб ва муқаддас ишни бажараяпсиз, халқимиз жипслиги, бирдамлиги йўлида фидойисиз. Зеро, Сизнинг ҳаётимизни мунаввар этишдаги ўрнингиз чексиз ва санаб бўлмас даражада кўпдир.

Илоё, 8 март байрамингиз арафасида тилакларимиз ижобат бўлсин. Сизларга соғлиқ, шодонлик, шижоат, бахт ҳамроҳлик қилаверсин!

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги раҳбарияти, ҳайъати ва жамоаси, «Ҳаёт ва қонун» журнали ва «Инсон ва қонун» газетаси Бирлашган таҳририяти**

## ҲАМИША ОДАМЛАР ОРАСИДА

*Bayramoldi uchrashuvi*



1999 йилни «Аёллар йили» деб аталиши бежиз эмас. Мустақил Республикамизнинг асосий пойдеворини мустаҳкамлайдиганлар ҳам аёллардир. Республикамизнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган, эркаклар билан баббаробар меҳнат, ижод этаётган аёлларимиз жуда кўп.

Ана шулардан бири Марғилон шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси Тожихон Дадахонова хусусида сўз юритмоқчимиз.

1985 йили Тошкент маданият институтини тугатгач, Фарғона вилоят Адлия бошқармаси ФҲДЁ ҳужжатгоҳ-архивида мудиралик қилади. Унинг кўп йиллик тажрибасини, дунёқараши, ҳалоллик, поклик, одамлар билан мулоқотни жойига қўйишлигини сезган бошқарма раҳбарлари 1991 йил Тожихонни Марғилон шаҳар фуқаролик ҳолати далолатнома ёзиш мудираси этиб тайинлашди. Тарбия беришдан аввал ўзинг тарбияли бўл, деганларидек Тожихон тўрт фарзанднинг онаси, ажойиб оила бекаси. Умр йўлдоши Акромхон Маҳмудов олий маълумотли юрист, тадбиркор.

— «Сен» ҳам «Сиз» ҳам шу бир оғиздан чиқади. «Сиз» турганда «Сен» дейишга не ҳожат? - дейди Тожихон Дадахонова биз билан суҳбатда. - Бир оғиз сўз билан ранжитиш, бир сўз билан кўнгилни кўтариш мумкин. Бизнинг оилада умуман кишилар кўнглини оз бўлсада ранжитадиган сўз бегона.

Бизнинг бу даргоҳга минг бир масала билан мурожаат қилишади. Қабулдаги ҳар бир кишининг кўнглини топиб, илиқ сўзлар билан кутиб олиб, ҳозирги замон талаби, удумимиздаги миллий тушунчалар, оиланинг муқаддаслиги, ота-оналарнинг ҳурматини жойига қўйиш борасида мулоқотлар олиб борамиз, - дейди мудира.

Биз ҳам шу ўринда Тожихон Дадахоновани 8-Март билан чин дилдан муборакбод этиб, ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

***СУРАТДА: (ўнгдан) Тожихон Дадабоева марғилонлик кўпни кўрган онахонлар Маликахон ая Хожихонова ва Дилоромхон ая Исоқовалар билан оила мавзусида суҳбатлашмоқда.***

**Ғанижон Муҳаммадқорий тасвири**

## ЎЗБЕКИСТОН ҚИРЛАРИГА БАҲОР КЕЛДИ

Менимча ҳар йили инсон боласи баҳорни соғиниб кутади. Мен ҳам шундай... сал илиқлашди чамаси, далага чоғландим. Эски танишим эчкибоқар Нарзулла аканинг қўтони Ипортепа деган адир бағрида жойлашган. Ўтовининг ёнида машинамни тўхтатишим билан чўпон итлари - баҳайбат бўрибосарлар ҳар томондан ҳужумга ўтишди. Уларнинг «вув-вови»дан Нарзулла ака чиқиб келди.

- Қани, мухбир, ўтинг, - дея қора уй ёнидаги майса устига тўшалган кигизга таклиф қилди чўпон.

- Кампир, эчкининг қатиғидан олиб кел, мухбирга! - дея сўнгра даштона амр этди у.

Шу пайт қаршидаги жилға бошидан:

- Эна!... Энажон!... Ипор топдим!... Ипор чиқибди, эна! - деган шодон қичқириқ эшитилди.

Хурсандчилигини яйлов узра сочаётган қизалоқ биз томон чопиб келарди. Унинг қўлида бир даста ипор бор эди.

- И-е, ипор чиқибдими? - сўрадим.

- Бу йил сал кечикдингиз, мухбир, ипор аллақачон уч қулоқ бўлиб қолди, - деб изоҳ берган бўлди Нарзулла чўпон.

Бойсун томонларда баҳорни бодом гулга кирганига қараб эмас, адирларда ипор чиққач, «Юртга баҳор қўнибди», деб баҳолашади. Оғзинг кўкка етибди, демак кўкламни кўрипсан, дея чимлар орасидан ниш уриб чиққан ипорларни қошларига суртишади...

Адирларда ипор чиқибди! Қаҳратоннинг қатронидан ниш урган кўклам яйловларга ёйилибди!

Илоҳим, баҳоримиз соз келган бўлсин!

**Собир ЁДИКОВ,**
**Сурхондарё вилояти Бойсун тумани**

*Munosabat*

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЁРУҒ ЙЎЛИ

Истиқлол йиллари Ўзбекистон эришган улкан ютуқларни бутун дунё ҳамжамияти очиқ-ойдин кўриб турибди. Ватанимизнинг ўнлаб халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб киргани, юзлаб давлатлар элчихоналарининг Ўзбекистонда аллақачон иш бошлагани ва бунга ўхшаш кўпдан-кўп фактлар нимадан далолат беради? Булар бари, аввало, мамлакат бўлиб шаклланганимиз, жаҳонда ўз ўрнимизга эга бўлганимиз, қолаверса, тан олинганимиздан далолат эмасми? Хўш, ўзларича бир пайтлар «демократия қурамиз» деб сафсата сотиб, аслида амал илинжида ивирсиганларнинг тушига бугунги Ўзбекистоннинг чўнг салоҳияти, халқаро майдонда қисқа муддатда эришган обрў-эътибори ҳеч кирганмикан?!

Бу фикрлар «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган «Огоҳликка даъват. Феврал воқеалари» мақоласини ўқигач, беихтиёр кўнглимдан кечди. Мақолада 16 февралда юз берган воқеалардан дарғазаб бўлган халқимизнинг кўнглидаги гаплар ошкора айтилибди.

Ўзбекистонда тинч-осойишта яшаб келаётган ҳар бир фуқаро миллати, дини, ирқидан қатъий назар энг юксак мезонларга жавоб берадиган демократик қонунлар асосида муҳофаза этилган. Бизга «демократ»лигини намойиш этишга уринувчиларга бир ҳуқуқшунос сифатида қуйидагиларни таъкидлаб қўймоқчиман: Ўзбекистонда бир қатор институтлар - Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, ҳуқуқий онгни шакллантиришга жалб этилган ўнлаб марказлар фаолият кўрсатмоқда. Республика Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази ишлаб турибди. Бунинг устига халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқаролар ҳуқуқий онгини янада шакллантириш йўлида қилинаётган ишларни, ҳафталик, ойлик матбуот нашрлари, кўп минг нусхадаги қўлланмалар чиқарилаётгани, мунтазам ўтказилиб турилган анжуманлар ва тадбирларни ҳисобга олсак, Ўзбекистоннинг эртанги порлоқ келажаги учун амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар оламшумул аҳамиятга эга эканлигини тасаввур этиш қийин бўлмайди. Ва энг муҳими, бу улкан ислоҳотлар — янгидан яратиш ва ташкил этишдек эзгуликларга Президентимиз бош-қош бўлиб тургани кучимизга-куч қўшади. Дарҳақиқат, мақолада эътироф этилганидек, шу халқимнинг ҳаёти бошқаларникидан кам бўлмасин, мамлакатимнинг мавқеи юксак даражаларга кўтарилсин, адолатли демократик жамият, буюк келажак асосларини, мезонларини яратайлик, деб кечани кеча, кундузни кундуз демай, умри-жонини аямай, фаолият кўрсатаётган миллатпарвар юртбошимизнинг бунёдкорлик ишлари халқимизни улуғ манзиллар сари руҳлантиравeради. Халқ топиб айтганидек, «Ит ҳуради, карвон ўтади», Ўзбекистонни тараққиётдан, аллақачон ўзи танлаган ёруғ йўлидан ҳеч қандай куч тўхтатолмайди.

**Музаффар РАУПОВ,**
**Қарши тумани суди судьяси**

## БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ!

16 феврал куни Тошкентда рўй берган кўнгилсиз воқеалар ҳақидаги хабарни эшитганимда, ростини айтсам ҳушим учиб, анчагача ўзимга келолмадим. Она эмасманми, аввалига олис пойтахтда яшаётган ўғлим, келиним ва неварам кўз олдимга келди. Сўнгра телевидение орқали юртбошимиз И.Каримовнинг «ваҳимага ўрин йўқ, тинчланинглар, қўрқманглар» деган таскинбахш сўзларини эшитиб кўнглимга илиқлик югурди. Яхшиямки бахтимизга шундай жасур ва доно йўлдошчимиз бор. У кишини Оллоҳнинг ўзи асраганлигидан дилим таскин топди. Бу билан мустақиллигимиз ва халқимизни Худонинг ўзи асради. Айниқса, Президентимизнинг **«қора ниятли ёвуз кимсаларнинг менга суиқасд қилганликларини тушуниш мумкин. Чунки мен кимгадир ёқишим, кимгадир ёқмаслигим мумкин. Аммо фожиали ҳалок бўлганларнинг нима гуноҳи бор? Энди уларнинг оила аъзоларига нима дейман, кўзларига қандай қарайман»**, деган сўзларини тинглаб, ўксиб-ўксиб йиғладим. У киши Ўзбекистон болаларини, жумладан, менинг фарзандларимни ўз фарзандим деб атаганлари, уларни ҳеч кимга бермайман деганлари, фарзандларимизнинг қоя, соябони борлигини яна бир бор кўнглимизга солди.

Бундай юртбоши билан ҳақли равишда фахрланишимиз лозим. Кўнглимда муҳтарам Президентимизга бўлган ихлос янада кучайди. Ва беихтиёр: «Ислом ака, Сизни заҳматкаш халқимиз ниҳоятда севади. Сиз фақат истиқлолимиз ғанимларигагина ёқмасангиз ажаб эмас! Сиз мана шу дуогўй халқимизга кераксиз. Шу боис Парвардигор халқимизнинг дуоларини ижобат қилиб, Сизни асради. Илоё, тинчлигимизни, фаровонлигимизни кўра олмайдиганларнинг кўзи чиқсин!» деган сўзлар фикримдан ўтди ва... қоғозга оқиб тушди.

Ҳа, мендек миллионлаб муштипар оналарнинг бахтига юртбошимиз ва юртимиз омон бўлсин. Оллоҳ ўз паноҳига олиб, мадад берсин, қолаверса, Бухорийлар, Термизийлар руҳи поклари қўллаб юрсин!

**Умида НОРБОЕВА,**
**Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари кенгашининг бош ҳакими**

## «КАКРАС» МУТАХАССИС-ДА!

***Қумқўрғон тумани мактабларида ҳуқуқ фанидан ҳуқуқшуносликдан йироқ муаллимлар сабоқ беришаётир***

Давр талабидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни болаларимизда бугунданоқ шакллантириб борилиши лозим бўлган ҳаётий эҳтиёж деб англамоғимиз керак. Қандай замон, қайси жамият бўлмасин, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билган фуқароси билан юксакликка эришган. Шу боисдан ҳам ўз истиқлолининг саккизинчи йилига қадам қўйган она Ватанимизда ҳуқуқий жиҳатдан саводли бўлиш сув билан ҳаводек зарурдир.

Бугун республикамиз ҳукумати ва Президентимиз ана шу муаммолар ечими устида жиддий бош қотиришаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчларини яхши билмайдиганларни турли ёвуз оқим ёки жиноий гуруҳ йўлдан тойдириши мумкин. Савол туғилади: ёшлар дастлабки ҳуқуқий билимни қаердан олишлари керак? Албатта, ўрта мактаблардан-да! Аммо ўрта ва умумтаълим мактабларида бу борада аҳвол қандай? Ўғил-қизларимизга ҳуқуқшуносликдан сабоқ бераётганлар ишга шайми? Саводи етарлими? Сизу биз, умуман, замондошларимиз бугун бўй-басти билан кўзга ташланиши мумкин бўлган жиноятларга қарши кураш ҳақида ўйлаймиз, холос. Бироқ маънавий соҳадаги сохтагарчиликлару, халқ таълими тизимидаги эгасизликларга қарши курашиш, мазкур муаммо нафақат муаммо, балки иллат-унсурларни бартараф этишда давлатимизга камарбаста бўлаяпмизми?

Яқинда басавлат, зиёлинамо бир одам ҳузуримга келди. Ўзини Қумқўрғон тумани халқ таълими бўлими мудири Файзулла Мирзаевман, деб таништирди.

- Туманимиздаги мактабларда ҳуқуқшунослик фани аъло даражада ўқитилмоқда, мактаблараро «Ҳуқуқингизни биласизми?» мавзуида кечалар, кўрик-танловлар ўтказилиб турибди, - дея суҳбатдошим ўз соҳасини мақтай кетди ва ниҳоят, муддаога кўчиб: - Ука, учта мактабимиз ўқувчилари орасидан сараланган 35 нафари «Акс-садо» телекўрсатуви учун тайёрланишаяпти. Шу масалада бир ёрдам қилинг, деб қолди. Хуллас, мен ўқувчиларнинг ушбу фанга қизиқишлари қай даражада эканлигини билиш истагида Қумқўрғон туманига бордим. Телестудияга юбориладиган йигит-қизлар тўплангунга қадар, ҳуқуқшунослик фанининг қай йўсинда ўқитилиши билан қизиқиб, 23-мактабга кирдим. Менг туман Халқ таълими бўлимининг масъул ходими Зиёдулла Омонов ҳамроҳ эди. Мактабга қадам қўйибоқ кўнгилни хира этувчи манзарага дуч келдик. Йўлакларнинг деворлари чала ярим таъмирланган. Ғадир-будир, чала-чулпа оқланган деворларга турли фанларга оид чизмалар шу қадар ўқувсизлик ва дидсизлик билан ишланган ҳолда осиб ташланган. Беихтиёр: «бу иш мактаб маъмуриятининг эмас, балки хулқи ёмон болаларнинг «ҳунар»лари бўлса керак» деган тасаввур пайдо қилади. «Ўқитувчилар хонаси»да эса бир нечта муаллимлар шахмат доскасини ўртага қўйволиб, тош суришаётир.

*(Давоми 2-бетда)*

## Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз опа-сингиллар!



# Сайилгоҳ гурунглари



Дам олиш саҳифаси



# СУРУР

*Badia*

Кўплар учун табаррук масконга айланган кўп қаватли ҳашаматли бино. Бинонинг атрофи шинам, чиройли боғ. Турли рангдаги лола-ю, нафис атиргуллар бўй таратиб, димоқни хушнуд этса-да, уни оралаб юрган йигирма беш ёшлардаги қирчиллама йигит бу гўзалликни, муаттар ҳид уфураётган гуллар ифорини ҳис этмасди, гўё. У йўлакда у ёқдан-бу ёққа бетоқат юриб турибди. Гоҳ-гоҳ бошини юқори кўтариб, иккинчи қаватдаги дераза ойнасига кўз тикарди. Нимагадир бетоқат. Кўринишидан хавотирлик билан хушхабар кутаётгандай... Ҳа, у саҳар умр йўлдоши - севимли хотинини ана шу муқаддас даргоҳ таваллудхонага бошлаб келди. Биринчи фарзанди дунёга келади бугун. Оталик шарафига муяссар бўлиш кайфияти билан маст эди. У бутун вужуди гўё кўзу қулоққа айланиб, тез-тез юқорига тикилишининг боиси ҳам шундан...

Айни дақиқаларда севимли ёри Дилбар ичкарида каравотда ҳам ширин, ҳам аччиқ изтиробда дард чекар, оғриқ ва руҳий ҳаяжон билан юраги дутор торидай урарди. Бунинг устига у ҳали ўрганмаган гўдак ҳиди аралаш туғруқхонага хос аллақандай ҳид бошини айлантириб, кўнглини янада орзиқтирарди. Кучли оғриқдан додлаб юборишдан уялганиданми, лабини қимтиб олди, юзлари бир дамда кўкариб кетди. Охири чидолмади, инграб юборди... унинг овозига чақалоқнинг заиф йиғиси қўшилди...

Хона гўё қоп-қоронғу эди-ю, шу овоз сабаб ҳаммаёқ бирдан чарақлаб кетгандай бўлди...

Дилбарнинг тер босган юзлари бир дамда ёришиб, кўзларида гўё нур пайдо бўлди. У тан оғриғини ҳам унутиб чақалоғини қўлида кўтариб турган доя аёлга тикилди. Доя аёл лабида табассум. У гўдакни оқ матога йўргаклаб, онасига кўрсатди:

- Эсон-омон қутулдингиз, табриклайман!

- Қизми-ўғил?!

- Она бўлдингиз, она!

Доя аёл ойнага яқин бориб, пастдан худди шу деразага тикилиб турган йигитга қараб:

- Суюнчи беринг, ўғиллик бўлдингиз! - деди.

Бу овоз гўё бир мусиқий оҳанг каби бутун гулзор ҳовлини тўлдириб, ҳаёт қўшиғи мисол жаранглаб кетди...

Бу оҳанг икки томонда икки ёш қалбида такрор-такрор жаранглади. Сўнг бу овозга суюнчи... суюнчи... суюнчи... деган сўз қўшилди.

Ҳалиги каравотда чўзилиб, тўлғоқ дардида ётган ёш онанинг лабларидан табассум аримади...

**Зайниддин ДЎСТМАТОВ**

*Dugonalarga maslahat*

# ЧИП-ЧИП ЖЎЖАЛАРИМ...

### ёки еттинчи хазинанинг калити

Мактабни битиргач кўп қизлар уйга кириб олишади. Уларда на мақсад бор ва на фикр. Ваҳоланки, ҳозир уларни ҳеч йўқса бекалик учун зарур ҳунарларни ўрганадиган вақтлари. Бир-икки йил ўтгач, уларга кеч бўлади. Наҳотки, оиламга озгина бўлса-да, ҳалол йўл билан фойда келтирай дейишмас экан? Балоғатга етиб, ўқиш ёки ишга киришга улгурмаган дугоналаримга пул топишнинг осон бўлмаса-да, қулай йўлларини тавсия қилмоқчиман. Масалан, тикувчиликка ўрганиш мумкин, патдўзлик, зардўзлик... Агар буларга имкон бўлмаса оддийгина паррандачилик билан шуғулланиш ҳам мумкин-ку.

Шахсан менга паррандачилик ёқади. Дугоналаримга ҳам, керак бўлса опаларимга ҳам шу хусусда айрим маслаҳат бермоқчиман. Халқимизнинг ҳар бир мусулмон уйида 7 та товуқ бўлса, у барака келтиради, деган ажойиб гаплари бор. Агар ҳар хонадонда 20 та товуқ бўлса, ўртача ҳисобда кунига улар 10 та тухум қўяди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида тухум камида 20 сўм туради. Шундай қилиб, кунига 200 сўм. Бу ўша уйдаги ишсиз, ҳунарсиз қиз учун ойига 6000 минг сўм ойлик дегани. Ўйлаб кўринг-а! Қиз бола учун шуни ўзи етарли эмасми? Ундан ташқари 20 та товуқдан ҳар йили кам деганда 10 таси курк бўлади. Яна 100 та жўжа қўшилади. Эҳтиёж бўлса, боқасиз, бўлмаса сотасиз. Хўрозчалардан 5 та сақлаб семиртириб сўйиб оилага ишлатарсиз. Мана шулар ҳаммаси оила бюджетига тушади-ку, ахир. Яна уларнинг қизиқарли саргузаштларга бой бўлган воқеаларини томоша қилиб дам оласиз. Бундан бир йилча олдин биз ҳовлида турардик. Ўша вақтларда бизда 30 га яқин товуқ бор эди. Паррандаларга қарашни, уларга дон-дун беришни жуда севардим. Уларни ҳар куни икки марта ҳовлига ёзиб, ўзим томоша қилардим. Ҳаммасидан кўра улар ўзларини қуёш тик тушадиган жойларга олиб, тўда-тўда қумларга беланиб ётишлари, бир-бирларининг патлари орасига кириб қолган майда дончаларни териб ейишларини мароқ билан томоша қилишни ёқтирар эдим.

Товуқларнинг асосий овқати бу дон-дун. Лекин бу билан қифояланиб қолмаслик керак. Уларга ҳар хил пўчоқларни тўғраб бериш керак, ўт-ўланлардан юлиб ташлаш керак ва ҳоказо рўзғорда ишлатиладиган озиқ-овқатларнинг кераксизини ахлатхоналарга эмас, шу товуқларга ташлаш керак.

Биз «дом»да турамиз. Лекин ҳовлига кўчсак, борганимдан кейин қиладиган биринчи ишим шу товуқ боқиш. Уларнинг қизиқарли ҳолатларининг томошабини бўлиш.

Паррандани етти хазинанинг бири дейишади. Аммо азиз дугонажонлар, бирор хонадонга келин бўлгунга қадар рўзғорда кўп асқотадиган товуқбоқарликни ҳам ўрганиб, қўшимча ҳунар эгаси бўлиш ҳам бир бойлик-хазина эмасми?

**Маҳбуба МАҲМУДОВА,**
**Бухоро Давлат университети талабаси**



*Сиз қандай изоҳлайсиз?*

*Ana, xolos!..*

## ЖОЙНИ БЎШАТ, ХОТИН БИЗНИКИ

деган ҳайқириқдан уйғониб кетган бангладешлик эр-хотин гап нимадалигига ақли етмасдан доғда қолган. Баҳайбат бир кимса эрни «юмалоқ ёстиқ» қилиб кўчага улоқтириб юборган. Хотин эса «вий-виё»лаб бегона эркак билан курашга киришган. Бироздан сўнг етиб келган қўни-қўшнилар ҳалиги одамнинг қўлидаги ҳужжатни кўриб, нима қиларларини билишмай, бармоқ тишлаб қолишган. Ҳужжат эрнинг қўли билан ёзилган тилхат бўлиб, унда хотинини мазкур хат эгасига ихтиёрий тортиқ қилганлиги ёзилган экан. Пиёниста эр одатдаги ичкиликбозликлардан бирида ароқ эвазига хотинини «ҳадя» қилиб юборган экан.

Можарога полиция ва турли маҳкамалар аралашиб, узоқ тортишувлардан сўнггина хотима берилган: хотин ўз қонуний эрига қолдирилган. Унинг тилхати шахс ўзини бошқаролмайдиган пайтда ёзилган деб топилиб, қонуний кучи бекор қилинган.

**Оммавий ахборот воситаларидан олинди**

*Guldasta*

# ШАЙДО БЎЛДИМ ЖАМОЛИНГИЗГА

## ҚИЗЧАЛАРИМ

*Ўзим емасам-да, Сизга едиргум,*
*Ўзим киймасам-да, Сизга кийдиргум,*
*«Ўзбекистон гўзаллари» дедургим,*
*Қизчаларим, менинг кўзмунчоқларим.*

*Узоқ юринг мудом кўзи борлардан,*
*Совуқ шамол, аямажиз, қорлардан,*
*Тангрим ўзи асрасин, беорлардан,*
*Қизчаларим, менинг кўзмунчоқларим.*

*Гўзалим, Гулруҳим, Гулирухсорим,*
*Сиз биландир бахтим, мангу баҳорим,*
*Умримнинг мазмуни, дунёда борим*
*Қизчаларим, менинг кўзмунчоқларим.*

*Камтарин кулбамнинг Сиз чироқлари,*
*Наслимнинг давомчиси-қуроқлари,*
*Келажагим армон тўла сўроқлари,*
*Қизчаларим, менинг кўзмунчоқларим.*

*Юсуфбек Ҳожидек қайноталар*
*насиб этсин Сизларга,*
*Ўзбек Ойимдайин қайноналар*
*насиб этсин Сизларга,*
*«Маҳобҳорат»даги қайноғалар*
*насиб этсин Сизларга,*
*Қизчаларим, менинг кўзмунчоқларим.*

***

*Умидахон Умида,*
*Умидим сизда.*
*Фикру ёдим ҳамиша*
*Жамолингизда.*
*Етиб бўлгайму Сизнинг*
*Висолингизга.*

*Гўзаллик ярашаркан,*
*Камтарин қизга.*
*Иродангиз зўр экан,*
*Қойилман Сизга.*
*Кўзи-қошу соч қора,*
*Ҳилолингизга.*
*Шайдо бўлдим мен Сизнинг*
*Зилолингизга.*

*Ёнимда Сиз эмас*
*Чаман тургандай.*
*Буни онам ҳам кўриб*
*Мамнун бўлгандай.*
*Ақлу одоб сўзингиз*
*Камолингизга.*
*Шайдо бўлдим Мен Сизнинг*
*Жамолингизга,*
*Исмат етарму, айтинг,*
*Висолингизга.*

## РЎМОЛЧА

*(Ҳазил)*

*Кечир ёр, рўмолчангни*
*Қайларгадир ташлабман.*
*Қалбингда ишончсизлик*
*Ғулғуласин бошлабман.*
*Майли дилдор истасанг,*
*Аразингни қўймагин.*
*Фақат севги қадрини*
*Рўмолчага йўймагин.*
*Мусаффо ишқимизга*
*Юқтирмайлик асло чанг.*
*Гина қилишга ҳеч ҳам*
*Арзимайди рўмолчанг.*
*Камина-чун оламда*
*Ягонасан, жон, фарзсан.*
*Йўқолса нима қипти?..*
*О, яна битта қарзсан.*

**Исматулла МАМАНОВ**



## МУҲАББАТИ ШУ БЎЛСА АГАР...

*Тўйиб кетдим муҳаббатдан,*
*Жонга тегди аламлари.*
*Синиб қолсин ўша қизнинг*
*Қошга қўйган қаламлари.*

*Нима қилса қилсин энди*
*Менинг унда ҳеч ишим йўқ.*
*Муҳаббати шу бўлса гар,*
*Менинг сира ташвишим йўқ.*

*Менга деса ошиб кетсин,*
*Тўртта тоғдан нарига ҳам.*
*Усиз яшаш қийин эмас,*
*Кўниб қолдим борига ҳам.*

*Қарамайман унга сира,*
*Боғласа оқ дуррача ҳам,*
*Кўриб қўйсин куйганим йўқ,*
*Ёнганим йўқ заррача ҳам.*

*Сал бўлса ҳам енгил тортдим,*
*Сизга сўйлаб ёлғонларни.*
*Шундай тентак қилар бу ишқ*
*Ўз йўлига кирғонларни.*

**Ҳамид НОРҚУЛ**

*Xazil emas...*

## ЎПИШИНГ, КИНОНИ БЕПУЛ КЎРАСИЗ

Россиянинг Екатеринбург шаҳридаги «Салют» номли кинотеатр томошабинсиз, аниқроғи тушум маблағисиз анча қийналиб қолгач, қизиқ эълон берибди. «Дам олиш ва байрам кунлари кинотеатрга севишганлар битта билет билан қўйилиши мумкин, агарким улар театрга кириш эшиги олдида ўпишишса».

Қизиқ ҳолат кузатилибди. Айтилган кунлари кинотеатр олдини одам босиб кетибди. Ҳар бир жуфтлик биттадан билет тутиб олишган, эшик олдида ўпиша-ўпиша ичкарига киришаверибди, киришаверибди. Янаям қизиғи, «ўпишувчи»лар нафақат севишган йигит-қиз, балки қари-ёш, ҳатто... кўпроғи бир жинсга тобелари барчани ҳайратга солиб роса ўпишибди.

Хуллас, кинога битта билет олиб, ўша атрофдан истаган одамингизни қўлидан етаклайсизда, эшик олдида ўпиб-ўпиб, ичкарига етаклайсиз. Ана томоша...

*Qizlar daftaridan*

# СЕН БИЛАН ЯШАЙМАН ҲАР ДАҚИҚАНИ...



## ОНАМ ЮРГАН КЎЧАЛАР

*(Бувим хотирасига)*

*Онам юрган кўчаларни эсладим бугун,*
*Онам юрган кўчалардан изин излайман.*
*Онажоним, қайдан топай бугун мен сизни,*
*Кўчаларга бошим уриб, зор-зор бўзлайман.*

*Бу кўчалар ўша уруш йилларини ўйлайди,*
*Кўчалардан гуррос ўтган йигитларни эслайди.*
*Нон тополмай оналарнинг бўзлаганин кўрган у,*
*Шишиб ўлган гўдакларин кўмганини кўрган у.*

*Онам юрган бу кўчалар кўп нарсани билади,*
*Етимларни ўз бағрига олганини билади.*
*Ўн тўққизга кирар-кирмас қора сочлар оқариб,*
*Беваларнинг қадлари дол бўлганини билади.*

*Тушларимда, онажоним, шу кўчада юрасиз,*
*Оқ кўйлакда, даста-даста гуллар билан келасиз.*
*Ширин-ширин эртакларни сўйлаб, алла айтасиз,*
*Эрта тонгда, онажоним, қайга ғойиб бўласиз,*
*Сизга ташна бўлган дилни кимга ташлаб кетасиз?..*

## СЕН БОРСАН

*(Шеър бўлмаган сатрлар)*

*Мен энди биламан, сен ҳаётда борсан*
*Ҳар дақиқа сен билан нафас оламан,*
*Сенинг билан яшайман ҳар дақиқани.*
*Йўқ мен сендан ҳеч нарса талаб қилмайман,*
*Фақат ёғду бўлиб йўлларингда ярқ этсаму,*
*Соянг бўлиб, изларингдан қадам ташласам...*
*Мен энди биламан, сен ҳаётда борсан.*
*Майли, севги бахти бир зумлик,*
*Хижрон абадий бўлсин.*
*Фақат ёнгинангдан ўтай - изн бер,*
*Фақат овозингни эслаб қолай мен...*
*Мен энди биламан, сен ҳаётда борсан.*
*Сендан фақат бир нарсани сўрайман*
*Қуёш нури бўлиб деразамдан балқ,*
*Кўз ёш бўлиб кўзларимда қалқ.*
*Мен энди биламан, сен ҳаётда борсан*
*Менинг куним, менинг туним,*
*менинг еру осмоним...*

## ОРЗУ

*Орзу - бу олисда ёнган чироқдир,*
*Орзу - бу иқболга йўл бошловчи нур.*
*Бир нурки - меҳрнинг оташига кон,*
*Бир нурки - келажак ундан бошланур.*

*Минг-минг чироқларнинг орасида ҳам*
*Орзу чироғимнинг ўзгача нури.*
*Қалбимга ҳаяжон, қувонч бағишлаб*
*Олдинга чорлайди сурури.*

*Майли, йўлларимни тўссин дарёлар,*
*Сувларни кечиб ҳам йўл очадирман.*
*Майли йўлларимни тўссин қоялар,*
*Тошларни кесиб ҳам йўл очадирман.*

*Нур борки - бу ҳаёт қолмайди ғамли,*
*Нур борки - бу ҳаёт қувончларга кон.*
*Нур борки - заминнинг юраги ўтли,*
*Нур борки - курашда тинмайди ИНСОН!*

* * *

*Мен сени кутаман,*
*Саҳрода ёмғирни кутишган каби,*
*Гуллар навбаҳорни,*
*Қушлар тонгни кутишгандай*
*Мен сени кутаман,*
*Зулматда қуёшни кутишган каби*
*Йиллар, фасллар, асрлар...*
*Фақат келсанг бўлгани...*
*Сени кутаман...*

**ҲУЛКАР**

**РАССОМ ХАНДАСИ**




М. ЭШОНҚУЛОВ чизган расм.

## КЕЛГУСИ СОНДА:

**«ҚОРИ ИШКАМБА»** *қарз қотилликка етаклади*

**сиртмоқ— соч ўрими** *(воқеи ҳикоя)*


МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ**

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Сафар НАЗАРОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Зайниддин ИСЛОМОВ
Ҳамза ЗОКИРОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

**Индекс: 646882**

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0221. Тиражи-10.000. **Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00**

Навбатчи: **О.ХУДОЙБЕРДИЕВ**
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: **Ш. РЕЖАПОВ**
терувчи: **М. ДЎСТОВА**

МАНЗИЛИМИЗ:700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Телефон, факс: 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.


